

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА – ЯНГИ САҲИФА

**ХОРИЖИЙ
САРМОЯДОРЛАР БИЛАН
ҲАМКОРЛИҚДА
ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КЛАСТЕРИ
ЯРАТИЛАДИ**

Яқин келажакда Туркистон шаҳрида нафақат миллий либосларимиз, балки юксак сифатли матолар ҳам маҳаллий тўқимачилик фабрикаларида ишлаб чиқарилади. Янги ишлаб чиқариш иншоотлари нафақат иш ўринларини яратади, балки минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ҳам кескин юксалтиради. Бу эса Туркистонни трансчегаравий саноат марказига айлантириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамдир.



Яқинда Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшев халқаро тўқимачилик соҳасида нуфузли ҳисобланган хорижий компания раҳбари билан учрашиб, пахта ва газлама саноатидаги сармоявий ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

– Пахта-тўқимачилик саноати – бу нафақат иқтисодий манфаат, балки минг йиллик анъаналаримизнинг ҳам давоми. Биз ҳозирда тўлиқ ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган кластерлар ташкил этишга киришдик. Хорижий ҳамкорлар учун қулай шароит яратиш, ҳужжатлаштириш ва ер масаласини ҳал этиш – вилоят ҳокимлигининг устувор вазифаларидан биридир, – деди Нуралхан Ўралбайули.

Лойиҳа доирасида Туркистон шаҳридаги “TURAN” эркин иқтисодий минтақасидаги 20 гектар ер майдонида йирик саноат мажмуасини барпо этиш режалаштирилган.

Компания раҳбарининг сўзларига кўра, Қозоғистондаги барча минтақалар орасида Туркистоннинг танлалини бежиз эмас – бу ерда бой хомашё захиралари ва давлат томонидан яратилаётган қулай сармоявий муҳит мавжуд.

Ҳамкор томон қурилиш ишларини 2024 йилда бошлаш ва 2025 йилда биринчи босқични тўлиқ якунлаш ниятида. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, 100 фоиз маҳаллий пахта хомашёси қайта ишланиб, маҳсулотлар ЕОИИ доирасида Россия, Марказий Осиё ҳамда Европа бозорларига экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Бу лойиҳа нафақат иқтисодий салоҳиятни юксалтириши, балки ёшлар учун минглаб замонавий иш ўринларини яратиши, маҳаллий ишлаб чиқариш тажрибасини шакллантириши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЯССАВИЙ ЗУРРИЁДЛАРИ ҲАЁТ МАЙДОНИГА ҚАДАМ ТАШЛАДИ

**ТУРКИСТОН ШАҲРИДА ХОЖА
АҲМАД ЯССАВИЙ НОМИДАГИ
УНИВЕРСИТЕТНИНГ ФАОЛ
БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ
ТОПШИРИШ МАРОСИМИ ЎТДИ**



Туркистон – тарихнинг гувоҳи, маънавиятнинг бешиги. Унинг бағрида шаклланаётган ҳар бир ёш авлод – бугуннинг фахри, эртанинг бунёдкори. Ана шу муқаддас заминда яна бир улугъ маънавий маросим ўтди – Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университетининг “Aq Jol, Yasawi túlegi – 2025” анъанавий тадбири.

Бу билим маскани нафақат Туркистоннинг, балки бутун Туркий олам маърифатининг юрагига айланган. Қозоғистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур олий ўқув юрти ўзининг илк битирувчиларини 1995 йилда катта ҳаётга кузатган эди. Бугунга келиб, дорилфунун ҳар йили минглаб билимдон, жамиятда фаол ва садоқатли мутахассисларни тайёрлаб чиқармоқда. Жорий 2024-2025 ўқув йилида ҳам 1800 нафардан ортиқ ёш мутахассис диплом олди.

Тантанали маросимда вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Та-

жибаев, университет ректори Жанар Темирбекова, ректорнинг вакили вазифасини бажарувчи Нажи Генч, турли давлат ташкилотлари ва идоралар раҳбарлари, соҳа фидоийлари ҳамда дорилфунуннинг турли йиллардаги фахрли битирувчилари иштирок этишди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тадбирда 300 нафар фаол ва ўз соҳасида намуна бўлган битирувчи ёшлар алоҳида тақдирланди. Улар орасида нафақат дарсларда юксак натижаларга эришганлар, балки жамоат ишларида пешқадам бўлганлар ҳам бор.

Университетнинг “Энг яхши 30 битирувчиси”га ректор ва унинг ўринбосари томонидан дипломлар топширилиб, уларнинг фидокорлиги алоҳида эътироф этилди. Бу нафақат битирувчи ёшлар учун шараф, балки бутун илм маскани учун ифтихордир.

Тадбир доирасида “Ёш давлат хизматчилари” мактабини муваффақиятли якунлаган талабаларга сертификатлар топширилди. Уларни Қозоғистон Республикаси Давлат хизмати агентлигининг Туркистон вилоятидаги раҳбари Абилайхан Науризбаев топширди. Кеча давомида университет шарафини юксалтирган талабалар, уларнинг ота-оналари, меҳмонлар ва ўқитувчилар ҳақиқий байрамона муҳитда фахру ифтихорни ҳис этишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚОЗОҒИСТОН ФАРМАЦЕВТИКАСИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

POLPHARMA SANTO БРЕНДИ ТАНИШТИРИЛДИ

Шимкент шаҳрида Polpharma Santo компаниясининг янги бренди расмий равишда намоёниш этилди. Шунингдек, мазкур корхонага халқаро сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган Европа Иттифоқининг GMP сертификати тақдим этилди. Фармацевтика соҳаси иқтисодий барқарорлик, инсон саломатлиги ва миллий хавфсизлиқни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Юртимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва стратегик ҳамкорлик бунинг яққол мисолидир.



Тадбирда Polpharma гуруҳининг соҳиби ҳамда назорат кенгашининг раиси Ежи Старак, Шимкент шаҳри ҳокими Ғабит Сиздикбеков иштирок этишди. Сафар доирасида Е. Старек ҚР Президенти қoшидаги Хорижий сармоядорлар кенгашининг мажлисида иштирок этиб, ҚР Бош вазири Ўлжас Бектенов ҳамда Ҳукумат вазирлари билан қатор муҳим учрашув

ва музокаралар ташкил этилди. Учрашувлар чоғида Қозоғистон ҳамда Polpharma ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Фармацевтика хавфсизлигини миллий мустақилликни муҳим таянчи сифатида қучайтириш, онкология, диабет ва юрак-қон-томир касаллик-

ларига қарши дори-дармонларни маҳаллий даражада ишлаб чиқаришга йўналтирилган 60 миллион евродан зиёд миқдордаги стратегик сармоявий лойиҳа тайёрлаш, импортга қарамлиликни камайтириш каби масалалар кун тартибиде бўлди.

Хусусан, Қозоғистонда минтақавий фармацевтика хабини шакллантириш, Европа Иттифоқи, ЕОИИ ва бошқа бозорларга экспортни кенгайтириш ҳам ЕU GMP сертификатларини олиш учун халқаро аудитларни муваффақиятли ўтказди. Polpharma Santo ишлаб чиқаришда 20 миллион евро сармоя жалб этилиб, Инновация ҳамда сифат маркази ишга туширилди. Шунингдек, университетлар, клиникалар ҳамда соҳавий таҳлилчилар иштирокида Қозоғистонда замонавий фармацевтика экотизимни шакллантириш ишлари бошланди.

– ЕU GMP сертификатини олиш ҳамда Polpharma Santo брендининг ишга туширилиши нафақат компаниямиз, балки бутун Марказий Осиёда фармацевтика индустриясининг тараққиёти учун муҳим босқичдир. Бугунги кунда Қозоғистонда ишлаб чиқариладиган дори-дармонлар Европа Иттифоқи сифат талабларига тўлиқ жавоб беради, – деди Polpharma Group бошқарма раиси Ежи Старак.

1882 йилдан тарихи бошланган “Сантонин” заводи 2011 йилдан Polpharma гуруҳининг бир қисмига айланди. Сармоя миқдори 130 млн АҚШ долларидан ошди. Бугун юртимизда қўлланиладиган дориларнинг ҳар бешинчиси Шимкентда ишлаб чиқарилаётгани эътиборга лойиқ.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ДЎМБИРА САДОСИ БИЛАН БОШЛАНГАН ҲАЁТ



**ТУРКИСТОНДА ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРГА
МИЛЛИЙ РУҲ ТУҲФА ҚИЛИНДИ**



Инсон ҳаётидаги энг тоза, энг самимий оҳанг – бу бешиқдаги чақалоқ овозидир. У туғилган лаҳзада нафақат бир оиланинг, балки бутун миллатнинг тақдирига янги саҳифа қўшилади. Туркистонда ана шундай эзгу ва маънавий руҳдаги тадбир – ҳар бир янги туғилган болажонга қозоқ халқининг миллий асбоби – дўмбирани туҳфа қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Қозоғистон халқ Ассамблеясининг 30 йиллиги ва миллий Дўмбира куни муносабати билан Туркистон вилояти ҚХА қошидаги Оналар кенгаши ташаббуси билан амалга оширилди.

Туркистон шаҳридаги 3-сонли перинатал марказда чақалоқларга ҚХА логотипи акс этган махсус дўмбиралар топширилди. Бу шунчаки туҳфа эмас – бу юртимиз маънавияти, та-

– миллий Дўмбира куни. Бу тасодифлеясининг 30 йиллиги ва миллий Дўмбира куни муносабати билан Туркистон вилояти ҚХА қошидаги Оналар кенгаши ташаббуси билан амалга оширилди.

Туркистон шаҳридаги 3-сонли перинатал марказда чақалоқларга ҚХА логотипи акс этган махсус дўмбиралар топширилди. Бу шунчаки туҳфа эмас – бу юртимиз маънавияти, та-

– миллий Дўмбира куни. Бу тасодиф

эмас. Бу тақдирнинг ўзи, халқимиз қалбининг сенга йўллаган сўзсиз дуосидир. Дўмбира – сени руҳан улғайтирсин, сенинг ҳаётинг эса Ватан учун ифтихор манбаи бўлсин!

Бу юксак маънавий тадбирда Оналар кенгаши аъзолари, этномаданият бирлашмалари вакиллари, тиббиёт ходимлари, яқинда она бўлган жувонлар иштирок этиб, фар-



рихий хотираси ва миллий ифтихорининг жонли рамзидир.

Дўмбира – бу халқ қалбининг сўзсиз садоси, миллий руҳнинг нағмаси. Уни бешиқда эшитган фарзанднинг юрагига Ватан севгиси, миллий ғурур ва маънавий баркамоллик нисбатан эртараққ уйғонади.

Тадбирда иштирок этган «Жамоат тотувлиги» ДҚК раҳбари Элмира Жанғазиева оналарга самимий тилаклар йўллар экан, Қозоғистон халқи Ассамблеяси номидан махсус табрикномани ҳам тақдим этди. Ундаги ҳар бир сатр кўнгилда из қолдиради:

“Айланайин! Сен бугунги гузал замонда, тинч ва обод юртда дунёга келдинг. Ватанинг – Қозоғистон, меҳри кенг, иродаси қатъий, бирдам халқ сени бағрига олди. Сен туғилган кун

зандлар тақдири учун эзгу тилаклар билдиришди.

Оналар учун бу тадбир нафақат совға-салом маросими, балки давлатнинг фарзанд келажакига кўрсатётган эътибори, халқ маънавиятининг амалий ифодаси сифатида юраклардан жой олди.

Ҳар бир чақалоққа дўмбира тортиқ этиш – бу халқимиз келажакини нафақат вужуд, балки руҳан ҳам соғлом тарбиялашнинг белгисидир. Бу – Янги Қозоғистоннинг, маънавиятга таянган, инсон қадрини устувор қўйган жамиятнинг ҳақиқий қиёфасидир.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА,
Туркистон вилоят
Ўзбек этномаданият
бирлашмаси қошидаги
оналар кенгаши раисаси.

Тариқат асосчиси, ҳамюртимиз Аҳмад Яссавийнинг авлодлари ҳаёти ва фаолияти тарихининг янги саҳифаларини очиб доим долзарб вазифа бўлиб келган. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоятининг Нурота туманидаги Иброҳим ота қишлоғи тарихи билан танишганимизда бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Бу замин Аҳмад Яссавий ҳазратларининг авлодлари, уларнинг ҳаёт йўли ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

САЙРАМДАН БОШЛАНГАН ТАРИХ

Маълумки, юртимизнинг қадимий ва зиёли ўчоғи бўлган Сайрам қишлоғи тарихи юзасидан кўплаб китоблар, илм-фаннинг юксак намунаси бўлган асарлар яратилган. Шу жумладан, 2021 йили нашр этилган “Сайрам” тарихий-энциклопедик тўплами ва академик, таниқли олим Камолжон Шодиметовнинг “Сузуқ ота изидан” номли китоблари ушбу йўналишда амалга оширилган залворли ишлардан биридир.

Сайрамлик машҳур тарихчи, академик М. Мирҳолдоровнинг “Сайрам тарихи” асарида ёзилишича, 1723 йил Еттисув ва Сайрам (иккинчи марта) Жунғория давлатидан келган қалмоқлар атрофдаги шаҳар, қишлоқлар томонидан босиб олинади ва улар томонидан таланади.

Юзга яқин йигит, қиз асир қилиб Хитойга ҳайдаб кетилади. Аммо уларнинг қисмати Аллоҳнинг ҳикмати билан бошқа йўналиш олади. Сай-



Иброҳим ота қишлоғига киришда ўрнатилган пешлавеҳа қошида...



Самарқандга жўнаб кетиш олдидан...



К. Шодиметов “Сузуқ ота изидан” китобини Пастдарғом туман ҳокимлиги Маънавият бўлими раҳбари Воҳид Жўракуловга топширмоқда.



Зарифбой Ҳавазматов Юсуф Сарёмийга бағишланган “Сайрамлик шоир” ва “Бир гунча девон” китоблари ҳамда “Қозоғистонда етакчи билим даргоҳи – “Юсуф Сарёмий номли мактаб-лицейи – 100 ёшда” китобларини Самарқанднинг Сайрам қишлоғидаги 119-сонли мактаб директори Абдуманноп Атауллаевга топширмоқда.

рамликлар Хитой ерларида Сайрам номи билан янги макон барпо этишди.

Шу машъум воқеадан 117 йил ўтиб, Хитойда туғилган Мусо Сайрамий буюк олим бўлиб етишади ва ўзининг “Тарихи эмния” китобидида, ота-боболари Туркистон Сайрамидан 1723 йили ҳайдаб келинганлигини, “улар... тоғ даҳноси кенгров жойга ўтrockлашиб қолганлар... Улар бу... ерни она юрти Сайрам номи билан атаганлар”, деб ёзади.

Бугунги кунда Хитойда Сайрам тумани, Сайрам қишлоғи, “Бой Сайрам”, “Сайрам нур” кўли мавжуд. Бу каби атамалар айнан шу тарихий воқеаларнинг тирик гувоҳидир. Яқин-яқинларгача шу ерга бориб қолганлар “Сайрамликман” деса, турли синовлардан ўтишига мажбур бўлгани ҳақида ривоятлар ҳам бор. Тинимсиз ҳужум, аёвсиз урушлар, зулм, кулфатлар туфайли, Сайрам-Исфижобдан бош олиб кетганлар ҳам бошқа жойларга бориб қолиб Сайрам номида макон бунёд этганлар.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон, Наманган, Амударё худудларида ҳам Сайрам номи билан аталувчи қишлоқлар, жойларнинг мавжудлиги халқимизнинг она юртига бекиёс муҳаббати ва садоқатидан далолатдир.

МУҲТАШАМЛИК ВА ТАРИХ УЙҒУНЛАШГАН МАСКАН

Экспедиция аъзолари минган “Afrosiyov” тезорар поездди икки соатда Самарқанд темирийўл вокзалига етди. Бизни қарши олган Самарқанд шаҳридаги М. Бехбудиий уй-музейи раҳбари Гулмуҳаммад Аҳмедов ва музейшунос-тадқиқотчи Шарифжон Саҳатов ҳамроҳлигида дастлаб Пастдарғом туманининг маркази – Жума шаҳридаги марказий масжидга қадам ранжида қилдик. Масжидда бизни бош имом Озод Назаров қарши олди. Сўхбатлашиб, сафар мақсадини маълум қилдик.

Сўнгра Пастдарғом туманидаги Сайрам қишлоғига ташриф буюриб, 119-сонли мактабда Элбек маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан учрашдик. Тадбирни Ш. Саҳатов очиб, бизни мезбонларга таништирди. Унда туман ҳокимлигининг Маънавият бўлими раҳбари Воҳид Жўракулов иштирок этди.

Мактаб директори Абдурахмон Атауллаев жамоанинг фаолияти ҳақида сўзлаб берди. 2007 йили фойдаланишга топширилган мактабда бугунги кунда 250та ўқувчи таълим олмақда, уларга 30 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Шу жойда сўз олган тарихчи ва тадқиқотчи Иброҳим Азимов ўзининг Хуросон авлодидан эканини, авлод шажараси Турбат қишлоғидаги Исмомил отага бориб тақалишини маълум қилди. У ҳозирги кунда Иброҳим ота қишлоғи тарихи ҳақида китоб ёзаётган экан.

Шу куни Ошиқ ота қабристонини зиёрат қилиб, чироқчи Бойча Мирзаев-



Иброҳим ота қишлоғи фаоллари, улар орасида А.Яссавий авлоди, қўшни Сайрам қишлоғидан Иброҳим Азимов(ўнгдан тўртинчи) ҳам бор.

нинг мароқли маърузасидан баҳраманд бўлдик. Шунингдек, Зарафшон дарёси яқинидаги “Қозоқ мазори”ни ва шу жойдаги эски шаҳар қолдиқларини кўздан кечирдик.

ИФТИХОР ШАЙХ ВА ИБРОҲИМ ОТА ИЗИДАН

Кейинги манзил – Қумариқ қишлоғининг имом хатиби Убайдулла Очилов ҳамроҳлигида Ифтихор шайх қабристонига ташриф буюриб, табаррук зиёратни амалга оширдик. Имомнинг айтишича, қабристон жуда қадимий бўлиб, бу ерга еттинчи авлод вакиллари дафн этилмақда экан.

Келгуси куни мазкур қишлоқдаги вафот этган кекса онахоннинг хонадонига таъзия билдиргани кирдик. Марҳуманинг таъзияда ўтирган яқинлари ва қишлоқ аҳли билан сўхбатлашдик. Бу ерда 70 ёшдаги Мухаммад Аҳмедов ўзини сайрамлик эканини маълум қилди.

“Машъал” маҳалласида шу жойдаги машҳур деҳқон ҳўжалигининг раҳбари Қудрат Элмуродов билан танишдик. У йирик фермер ҳўжалиғи раҳбари, қишлоқ учун масжид биносини қуриб, фойдаланишга топшириш арафасида экан.

Бизга Ифтихор шайх қабри ҳақида хабар берган, Пастдарғом туманида истикомат қилувчи тадқиқотчи Акмалжон Ҳамроев ҳам ўзининг Яссавий авлодидан эканини, Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳар Ҳуштождан тарқалганини маълум қилди.

Иброҳим ота қишлоғига ташрифимиз унутилмас таассуротларга бой бўлди. Қишлоқ фаоллари Искандар Бўриев, Жумабой Кенжаев, Файзи Тошпўлатовлар билан мулоқотда бўлдик.

ФАЙЗИ ТОШПЎЛАТОВНИНГ ТУҲФАСИ

Фахрий устоз, ихтисослиғи бўйича биология фани ўқитувчиси Файзи Тошпўлатов Иброҳим ота қишлоғининг тарихи ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, у бизга ўзи ёзган “Кўнгил кечинмалари” китобини совға қилди.

Файзи Тошпўлатов Нуробод туманининг Иброҳим ота қишлоғида истикомат қилади. Шу қишлоқ мактабидида узоқ йиллар муаллимлик қилиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билан



2025 йил 18 январда Самарқанд шаҳрида Маҳмудхўжа Бехбудиийнинг 150 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида К. Шодиметов томонидан ўқилган “Туркистон жадидчилиғи ҳаракатининг асосий ғояси ва мақсади” маъруза қиритилган тўплам муаллифга совға қилинмоқда.

шўғулланган. Айни пайтда нафақада. Бемалол дам оладиган, фарзандларнинг, набираларнинг ардоғида бўладиган пайти. Аммо у бекорчиликни ёқтирмайди. Ҳамиша жонажон қишлоғининг дилкаш кишиларини ўйлайди. Улар ҳақида қалам тебратишга, тарихий мавзулардаги қатор муаммоларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, “Иброҳим ота зарчашмаси” ва “Мактаб ҳақидаги хотираларим” номли китоблари чоп этилган. У навбатдаги китобини “Кўнгил кечинмалари” деб номлабди. Бизга тақдим этган китобини ўқисангиз, муаллиф кўнглидаги кечинмалар билан яқиндан танишасиз.

ҚАДИМИЙ РИВОЯТ ВА МУҚАДДАС МАСКАНЛАР

Файзи Тошпўлатов: – Иброҳим ота қишлоғининг тарихи илк бор “Ўзбекистон Энциклопедияси”да ҳам ёритилган. Уни машҳур олим Саримсоқов ёзган. Ўзбекистонда Иброҳим ота тарихи билан боғлиқ иккита жой бор. Биринчиси Тошкент шаҳридаги Иброҳим отанинг рамзий қабристони.

Иккинчиси – мана шу қишлоқ. Бу тарихни биз бобокалонларимиздан эшитганмиз. Иброҳим ота қишлоққа келганларида икки туپ тут эккан эканлар. Биттаси кейинчалик кесилган. Ёшлигимиздаги манзара ҳозиргидек эмас, бошқача эди. Бу жой азиз авлиёлар маскани, муқаддас қадамжо, шунинг учун давлат муҳофазасига олинган. Тепаликнинг қабристон бўлганига тахминан, 280 йилча бўлди. Ил-

гарилари қишлоқ аҳли кўчиб яшаган. Иброҳим ота ҳам табиб бўлган, одамларни гиёҳлар билан даволаган.

Тадқиқотчи, ўқитувчи Акмалжон Ҳамроев: – Бу ерда яшаган ҳўжалар Сайрамдан кўчиб келишган, дейишади. Маълумки, илгари замонларда халқ ўт-ўлан яхши ўсган жойга кўчиб юрган. Ҳўжалар қавми ҳам бирмунча фурсат ўтгач, ичкарига, хавфсизроқ жойга кўчиб кетганлар.

Иброҳим Азимов: – Иброҳим отанинг оқ туяси бўлган экан. Ривоят қилишларича, у кўч-кўрони, оиласи билан бирга оқ туяда Сайрамдан Тошкентга етиб келиб, Олмазор туманида кўнган, дейишади. Зеро, шу жойда Иброҳим отанинг рамзий қабристони ҳам бор. Бир куни у гиёҳ тергани чиқади ва

Буюк Ипак йўли ўтган, қарвонлар қатнаган. Жангларда аҳоли тоғ бағрига яшириниб, жон сақлаган. Маҳаллий аҳолилар машъала ёқиб, белгилар беришар экан.

Иброҳим ота “Насибам шу ерда экан” деб қавмига буюради. Чодирлар тикилади. Лекин қараса, йўлнинг усти. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида мол-мулк, бола-чақасини бошқа жойга ошириб юборади. Тоғ ичкарисида Ойша деган жой ҳам бор. У хотин-қизлар ва оиласини Бешбармоқ деган қишлоққа жўнатади. Ўша вақтда Иброҳим отанинг тоби қочиб қолади. Гиёҳларни тўплаб, қайтиб кетиш тараддудига тушади...

Қишлоқ тарихи шу жойдаги булоқ атрофида ўсган икки туپ тут дарахти тарихи билан боғланган. Бу икки туپ Балх шаҳридан келтирилган дарахтлардир. XI-XII асрларда бу жойда яшарин қалъа бўлган, дейишади...

Шу яқин атрофда “Қочқир булоқ” деган жой ҳам бор экан. Унинг тарихи қуйидагича...

Иброҳим ота аравасида доим 40 қу-

лоқли қозон олиб юрар экан. Бир куни қозоннинг бир қуллоғи учиб кетади. Шу ердан сув сизиб чиққан экан. “Қочқир булоқ” деган ном ўша воқеадан кейин пайдо бўлган, дейишади...

Ташрифимиз поёнида жадидчилик ҳаракатининг йирик арбоби Маҳмудхўжа Бехбудиийнинг Самарқанд шаҳридаги уй-музейига ташриф буюриб, алломанинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар ва экспонатлар билан танишдик.

Шуниси эътиборга лойиқки, жорий йилнинг 18 январида Маҳмудхўжа Бехбудиийнинг 150 йиллик юбилейига бағишланган Республика илмий-амалий анжуман ўтган эди. Унда қатнашган ҳамшаҳримиз, академик Камолжон Шодиметов ва меҳнат фахрийси Зарифбой Ҳавазматовлар маъруза билан чиқиб, Маҳмудхўжа Бехбудиий ҳам Хожа Аҳмад Яссавий бобомизнинг авлоди ва унинг издоши эканини Сайрамда топилган шажара орқали асослашган. Ушбу тадбирга Камолжон Шодиметов тақдим этган “Туркистон жадидчилиғи ҳаракатининг асосий ғояси ва мақсади” номли мақола конференция тўпламидан биринчилар қаторидан жой олибди. Уй-музейи директори Гулмуҳаммад Аҳмедов наشرдан чиққан тўпламни К. Шодиметов ва З. Ҳавазматовларга совға қилди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Самарқанд вилояти, Қумариқ қишлоғи қабристонидидаги Ифтихор шайхнинг муқаддас манзили, Иброҳим ота



Қумариқ қишлоғидаги қабристонда Ифтихор шайх қабри ва қабр тоши.

қавмига “Тайёргарлик кўринглар” деб айтибди. Шу тариқа улар бир неча кун йўл юришибди. Оқ туя ҳеч чўкмасмиш. Ниҳоят, улар Самарқандгача етиб келишади. Намоз ўқиб туясининг олдига борса, у яна туриб кетибди. Бундай ҳолда туя чўккан ҳисобланмас экан. Улар йўлда юришда давом этибди-лар...

Иброҳим отанинг оқ туяси шу манзилга келганида, ниҳоят, туяси чўккан экан. У аввалига ҳайрон бўлади. Сўнгра намоз ўқишга шайланишади. Намозни ўқиб қайтиб борса, туяси турмабди. “Тақдир бизга шу ерни буюрган экан”, деб шу ерда муқим яшашни бошлаган.

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Иброҳим ота қишлоғининг яқинидан

қишлоғи ҳамда Хожа Аҳмад Яссавий номи билан аталадиган қадамжолар нафақат тарихий, балки юритимизнинг маънавий қиёфасини белгилаб берувчи табаррук масканлардир.

“Яссавий изидан” тарихий-ўлкашунослик экспедицияси аъзолари:

Камолжон ШОДИМЕТОВ,
академик,
Зарифбой ҲАВАЗМАТОВ,
меҳнат фахрийси,
Равшанбек ТЕШАБОВЕВ,
табиб,
Зокиржон МҶМИНЖОНОВ,
“Жанубий Қозоғистон”
вилоят газетаси муҳбири.

Шимкент – Самарқанд – Шимкент.

»» Обуначиларимиз орасида

ЎРАНҒАЙ ЎЗАНИ БЎЙИДА – АЖОЙИБ ҲОРДИҚ МАСКАНИ

Фаол обуначимиз, спорт фахрийси Тойир Тойжонов ҳамроҳлигида Ўранғай қишлоғи марказидаги Мактаб кўчаси 14-“А” манзилида бунёд этилган, қисқа муддатда қишлоқ, туман миқёсида донғи овоза бўлиб, қўшни Қизилўрда ва Шимкент ҳудудларидан дам олувчилар ташриф буюраётган “Шаңырақ” масканига қадам ранжида қилдик.



Тадбиркор, ХҚТУни таъмомлаган Аброр Абдураим ўғли Ирискулов ҳордиқ маскани мутасаддиси сифатида хуштавозелик билан қарши олиб, дам олувчилар учун яратилган ажойиб қулайликлар билан бизнес таништирди. Энг аввало, таги ва соҳили бетон билан қопланган, шиддат билан оқаётган Ўранғай ўзани сувидан атрофга таралаётган салқин ҳаво дам олувчилар учун ёз жазирасида бекиёс ҳузур бахш этаётганлигини таъкидлаш



P.S. Марҳум фаол обуначимиз, спортнинг кураш соҳаси равақига республика миқёсида муносиб хисса қўшган тадбиркор Ирискул Сулаймонов ҳаётида орзу қилган эзгу ниятлар – қишлоқ аҳли учун масжид ва дам олиш масканини бунёд этиш режаси унинг фарзандлари ва неваралари сазй-ҳаракатлари билан бекаму кўст амалга ошмоқда. Ирискул Сулаймоновнинг умр йўлдоши, нуруний онахон Норхон Абдусамат қизи билан суҳбатда бўлиб, фаол обуначимиз сифатида таҳририят ташаккурномасини тақдим этиб, дуосини олдик.

ХИРМОНГА БАРАКА, ҚАДРЛИ ҒАЛЛАКОР ДЕҲҚОНЛАР

2025 йили қишлоғимизда жами 11030 гектар майдонда турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Хусусан, 410 гектар майдонга кузги бугдой сепилганди. Айни пайтда ғаллакор деҳқонлар ҳосилни йиғиб-териб олишга қизгин киришди. Ўрта ҳисобда гектар сайин ҳосилдорлик 28-30 центнердан тўғри келмоқда. Бу – деҳқонларнинг тинимсиз меҳнати ва ўз вақтида қўлланилган агротехник тадбирлар самарасидир.



“Чўпон-ота” деҳқон хўжалиги раиси Тождидин Тошхўжаев Амирдin ўғли 8 гектар майдонда ўрта ҳисобда 30 центнердан ҳосил етиштирди. Бу – минтақамиздаги юқори кўрсаткичларнинг бири. Ғалла ўрими қудратли “Енисей” русумли комбайни билан амалга оширилмоқда. Тўпланган ғаллани хирмонларга “КамАЗ” автокўли-



гида Рўзимбек Бўлисов ўз вақтида етказиб бермоқда. Ғалла – дастурхон отаси саналадиган нондир. Етиштирилган мўл-ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга ғайрат қилайлик. Хирмонга барака, қадрли деҳқонлар.

Турғун АҲМЕДОВ,
Эски Иқон қишлоқ округи ҳокимлиги
ташкилий бўлим бошлиғи.

Тасвирларда: пешқадам хўжалик етакчилари билан; ғаллазорда алп техникалар иш устида.

ҚИШЛОҚДАГИ КЎЧАГА УРУШ ҚАҲРАМОНИ ҚУРБОНБОЙ ИРИСБЕКОВ НОМИ БЕРИЛАДИ



Саврон туманидаги Сиздиқ Пирметов раҳбарлик қилаётган Ясси қишлоқ округи ҳокимлиги идорасида Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги доирасида ҳукуматимиз томонидан тавсия этилган ташаббусга оид кенгаш йиғилиши ўтди.



– Қишлоғимиздаги ҳали ном берилмаган 13та кўчанинг бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбонбой Ирисбеков номи билан аталади. Кўча аҳолиси билан учрашув ўтказилди. Унда қаҳрамоннинг невараси Қурбонбой Ирисбеков иштирок этди. Қишлоғимиз маҳалла

қўмитаси раиси Абдуқодир Умаров жамоат кенгаши котиби Асилхан Керимбаев ҳамда ҳокимлик вакиллари Ермек Ўразбеков, Махамбет Самбетовлар иштирокида ўтган йиғилиш бу ташаббусни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Тегишли жараёнлардан сўнг, маслаҳат

депутатлари тасдиқлагач, ҳоким фармони асосида кўчага ном бериш ўз қонуний кучига киради, – деди суҳбат чоғида Ясси қишлоқ округи ҳокими Сиздиқ Пирметов.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.
Муаллиф тасвири.

»» Обуначиларимиз орасида



ТУЛПОР ТАНЛАМАЙДИГАН ЧАВАНДОЗ

Фаол обуначимиз Худойберган Зиёш ўғли Холметовнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан қадрдон дўстлари Шокир Султонқулов, Аваз Айметов, Султонбой Норметов, Мусриддин Турсунметов оқ тулпорга миндириб, иззат-икром кўрса тишди.

Меҳнат фаолияти Туркистондаги йўловчиларни ташиш автокорхонасида кечган, ўнлаб йиллар мобайнида темир тулпорни жилавляб, йўловчиларни манзилига беҳатар етказиб, эл олқишига сазовор бўлган Худойберган Холметов оқ тулпорга миниб даврани эркин айланди.

Нафақа ёшидан сўнг оиласи, фарзандлари билан тадбиркорлик жабҳасида кўп меҳнат қилган, олтимышдан зиёд янги иш ўринларини яратган Худойберган Холметовга меҳнатининг роҳатини кўриш саодатини тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирда: Х. Холметов оқ тулпор устида.
Муаллиф тасвири.

»» Акс-садо

Халқ ҳофизини – халқ дилида

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг жорий йил 15 май 50-сонида чоп этилган Фахриддин Қоратоевнинг Ўзбекистон халқ ҳофизини Фахриддин Умаров ҳақидаги “Эл фарзанди, халқ ҳофизини” мақоласини ўқиб, шунчалар таъсирландимки, хаёлларим болалик йилларга етаклади...

Эслайман отажоним ҳофизнинг қўшиқларини жуда ёқтириб тинглардимлар. Унинг қўшиқларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир оҳанг қалбларга ором бағишларди. Биз ана шу куй ва оҳанглар билан улғайганмиз. Соҳир овоз эгаси Фахриддин Умаровнинг бетақдор қўшиқлари санъат оламида абадийдир. Зеро, халққа астойдил хизмат этган улў шахслар ҳеч қачон унутилмайди.

Фахриддин Умаров нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё халқларининг ардоқли ҳофизини, санъат оламида ўчмас из қолдирган бетақдор ижодкор эди. Айниқса, мақолада ҳофиз Фахриддин Умаровнинг Буюк Ғалабанинг 80 йиллигига бағишлаб айтган қўшиқлари, оналар дарди, жонини фидо қилиб, Ватан учун қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўғлонлар ҳақидаги самимий ва таъсирли куйлари санъатнинг ҳақиқий қудратини яна

бир бор намоён этади. Ҳофизнинг ҳар бир кўшиғи бир олам, сўзлари пурмаъно ва теран, куйи билан ҳамоҳанг ва сеҳрлидир.

Муаллиф ҳофизнинг меҳри тушган мухлиси бўлган, қатор йиллар санъаткор ҳақида кўплаб ажойиб мақолалар ёзган. Жумладан, у ҳофизнинг ҳаётини, қўшиқчилида эришган ютуқларини жамлаган ҳолда “Эл фарзанди, халқ ҳофизини” номли китобини 2016 йилда босмадан чиқарди. Унда воқеалар ниҳоятда ёрқин, теран маънода ёзилганки, ўқиганингда ҳаяжон ила қизиқиш уйғотади. Бу китоб муаллифнинг улкан ютуғидир.

Муаллиф ҳақида гап кетаркан, шу ўринда қамини элимизнинг муносиб ўғлини, улкан ҳурматга сазовор Фахриддин Қоратоев ҳақида икки оғиз гап айтишни жоиз топдим. Фахриддин Абдунаби ўғли мухтасар қилиб айтсам, меҳнат фаолиятини оддий ишчи сифатида бошлаб, Қозоғистон Республикаси Парламенти депутати даражасига етди. Унинг ибратли ҳаёт йўли таҳсинга сазовор, Фахриддин Қоратоев бу даврда турфа соҳаларда беғараз хизмат қилди. У қайси соҳада меҳнат қилмасин, ҳамиша сидқидилдан ишлади, халқ билан ҳамнафас бўлди, халқ дарди билан яшади. Бугунги кунгача



шундай давом этиб келмоқда. Бундан ташқари у санъатга, ижодга ошурфта, иқтидорли қаламқаш, яъни серқирра инсондир. Фахриддин Абдунаби ўғлини барча соҳада ўз ишининг фидойиси ва халқ жонкуяри десак, муболага бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Фахриддин акага мустаҳкам саломатлик, ишларига ривож, ижодларига юксак парвоз, оиласи билан бирга узок йиллар бахтли умр суришларини, фарзандлари, невараларининг бахту-қамолини кўришларини ва ҳаммаша эл ардоғида бўлишларини тилаб қоламиз.

Газетада мана шундай ёрқин, ибратли, қизиқарли мақолалар кўпроқ чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўлиб, обуначилар сони ҳам кўпаярди, деб ўйлайман.

Гулқарам ЭШИМОВА.
Кўлкент қишлоғи,
Сайрам тумани.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.</i> <i>Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.</i> <i>Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган бироқарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдиривлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги унинг ижтимоий, пар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPR00022503 гувоҳнома берилган. “ERNURprint” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. +7778-618-39-05 <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҲОНБОВЕВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	Нашр кўрсаткичи – 65446. Адади – 10500 нуска. Бўғим 1542. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.